

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/2026.31.01.Үн.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ЭЛМУРЗАЕВ БИЛОЛИДДИН НУРМОН ЎҒЛИ

**ТЕРГОВЧИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА
КАФОЛАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ
ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Элмурзаев Билолиддин Нурмон ўғли Терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари	3
Элмурзаев Билолиддин Нурмон угли Теоретические и практические аспекты расширения процессуальной независимости и гарантий следователя	26
Elmurzaev Biloliddin Nurmon ugli Theoretical and practical aspects of expanding the investigator's procedural independence and safeguards	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	53

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/2026.31.01.Үн.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ЭЛМУРЗАЕВ БИЛОЛИДДИН НУРМОН ЎҒЛИ

**ТЕРГОВЧИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА
КАФОЛАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ
ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Үн995 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шодиев Ғулom Махамматович
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Югай Людмила Юрьевна
юридик фанлар доктори, доцент

Таджибаева Альбина Юлдашбаевна
юридик фанлар номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/2026.31.01.Үн.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 02 июль куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел./ факс: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (85-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси 9-уй. Тел.: (99871)202-04-96.

Диссертация автореферати 2026 йил 16 июнда тарқатилди.
(2026 йил 16 июндаги 03- рақамли реестр баённомаси).

В.Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Д.М.Миразов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноий судловни амалга оширишда тергов органларининг мустақиллиги – демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ҳуқуқий демократик давлат куриш жараёнида жиноят-процессуал фаолиятнинг очиклиги, шаффофлиги ва адолатлилигини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Жиноят ишларини қонуний, асосли ва холис тарзда тергов қилиш, айбсизлик презумпциясини таъминлаш, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш – инсонпарвар ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим вазифаларидандир. Бу вазифанинг самарали амалга оширилиши, аввало, терговчининг процессуал мустақиллигига бевосита боғлиқдир. Дунё бўйлаб мураккаб турдаги жиноятлар 125 фоизга ортиб кетган бўлса, ахборот технологиялари ёрдамида содир этилаётган жиноятлар умумий жиноятчиликнинг 3/5 қисмини ташкил этмоқда¹, шунингдек жиноятларнинг тури ва кўлами ортиб кетаётган бундай мураккаб жараёнларда судга қадар иш юритувида терговнинг сифати ва терговчининг процессуал фаолияти самарадорлиги ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда инсон ҳуқуқлари ва адолатли судлов стандартларига риоя қилиш масаласи халқаро ташкилотлар диққат марказида бўлиб, Европа Инсон ҳуқуқлари суди қарорлари, БМТнинг “Қийноққа қарши конвенция”си, ЕХХТ илмий-амалий тавсияларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан тергов тузилмаларида мустақиллик ва ҳисобдорликнинг аниқ балансини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, терговчиларнинг малака стандартлари ва мустақиллик индикаторлари (Европа Иттифоқи фундаментал ҳуқуқлар агентлиги)², қийноқларни олдини олиш механизмларида тергов мустақиллиги (Фрайбург (Германия)даги Макс Планк номидаги жиноятчиликни ўрганиш институти)³, тергов органларининг институционал мустақиллиги (Кембридж криминология институти), шунингдек терговда сиёсий ва маъмурий таъсирни бартараф этиш масалалари (Оксфорд криминология маркази)⁴ ва бошқа кўплаб терговчининг процессуал фаолиятига оид изланишлар олиб борилмоқда. Шу сабабли терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини таъминлаш – жаҳон ҳуқуқий амалиётида устувор йўналиш сифатида намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини, ишни судга қадар юритувида дастлабки тергов самарадорлиги ва сифатини ошириш ва такомиллаштириш борасида катор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга

¹ The Latest 2025 Cyber Crime Statistics (updated July 2025) <https://aag-it.com/the-latest-cyber-crime-statistics/>, FBI Releases Annual Internet Crime Report Washington, D.C. FBI National Press Office (202) 324-3691 <https://www.fbi.gov/news/press-releases/fbi-releases-annual-internet-crime-report>

² The European Journal of International Law Vol. 21 no. 3 © EJIL 2010; all rights reserved <https://www.theguardian.com/world/article/2024/jul/30/eu-states-not-properly-investigating-reports-rights-violations-borders>

³ <https://www.aidsdatahub.org/sites/default/files/resource/unodc-strategy-2021.pdf>

⁴ Centre for Criminology Annual Report 2024-25 <https://www.cambridge.org/core/books/criminological-approaches-to-international-criminal-law/investigating-complex-crime//4-Investigating-complex-crime>

оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш устувор вазифалар қаторида 87-мақсад сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини инсон манфаатлари, кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтириш масалалари, шу жумладан тергов фаолияти устидан назоратни электрон шаклда олиб бориш имконини берувчи рақамлаштирилган тизим яратиш, тергов фаолияти устидан назоратни тўлиқ электрон шаклда олиб бориш имконини берувчи “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимининг “Э-тергов” модулини ишлаб чиқиш ва ушбу тизимни ишга тушириш билан боғлиқ барча ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгиланган¹. Бу эса тергов ва терговчи фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ҳамда уни янада такомиллаштириш масалаларини илмий тадқиқ этиш долзарблигини намоён этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси (2023), Жиноят-процессуал кодекси (1994), “Прокуратура тўғрисида”ги (2001), “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги (2016), “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги (2018), “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2017), “Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги (2025) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2022), “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2026), “2026 йилда республика маҳаллаларида жиноятчиликнинг барвақт профилактикаси самарадорлигини янада ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2026) қарорлари, “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016), “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2017), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2023), “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2023), “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги (2025) фармонларида ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // “Ўзбекистон – 2030 стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. 30.01.2025 йилдаги ПФ-16-сон <https://www.lex.uz/docs/7369703>

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят процессида терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришнинг айрим жиҳатлари бўйича мамлакатимиз олимларидан Ғ.Абдумажидов, Б.А.Алимджанов, Б.Т.Акрамходжаев, Ж.К.Атаниязов, Л.И.Астанова, Д.Б.Базарова, С.А.Белоусов, М.А.Казанджан, З.С.Ибрагимов, З.Ф.Иноғомжонова, А.К.Закурлаев, Ш.А.Кулматов, Д.М.Миразов, Б.А.Миренский, Б.Б.Муродов, Ф.М.Мухитдинов, Б.Х.Пулатов, Ю.С.Пулатов, А.Х.Раҳмонқулов, Б.А.Ражабов, Б.Н.Рашидов, Й.Рахимов, М.Х.Рустамбаев, Т.Т.Таджиев, Х.С.Таджиев, У.А.Тухташева, Г.З.Тўлаганова, Б.Р.Турсунов, Ш.Ф.Файзиев, Н.И.Хайриев, М.Т.Хусанов, Х.Ж.Эргашев¹ ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

МДҲга аъзо давлатларда жиноят процессида терговчининг процессуал мустақиллигини такомиллаштиришга оид назарий ва амалий тадқиқот ишлари Г.Г.Амирбекова, А.Н.Ахпанов, В.П.Ашитко, Б.Т.Безлепкин, С.А.Бетрозов, Ю.Н.Белозеров, В.П.Божьев, В.В.Бойсова, Д.А.Влезько, Н.А.Власова, Э.И.Воронин, А.Ф.Горкина, В.Н.Галузо, К.Ф.Гуценко, Л.В.Головко, В.Н.Григорьев, А.П.Гуляев, Ю.В.Деришев, С.П.Ефимичев, Н.В.Жогин, В.В.Зинькович, Г.З.Климова, Н.И.Кулагин, Н.Н.Ковтун, Л.М.Карнеева, А.А.Клейн, Л.Д.Кокорев, Н.П.Кузнецов, А.М.Ларин, А.П.Ларин, Л.И.Лавдаренко, И.М.Лузгин, И.А.Либус, П.А.Лупинская, П.В.Лемент, Ю.В.Манаев, М.В.Максименко, Д.Мелосси, Н.И.Миролюбов, Г.Н.Меглицкий, Н.Г.Муратова, Т.В.Могуило, А.Н.Огородова, А.А.Орлова, М.Паварини, И.Л.Петрухин, А.А.Подопригора, С.Б.Россинский, О.В.Судакова, А.Б.Соловьев, В.А.Стремовский, М.С.Строгович, Г.П.Химичева, О.В.Химичева, Ф.Н.Фаткуллин, М.М.Черняков, Н.Э.Шалумова, С.А.Шейфер, А.Г.Эдиялналар каби олимлар томонидан олиб борилган.

Хорижда судга қадар иш юритуви органлари, хусусан терговчи (investigator) фаолиятининг ташкилий ва процессуал масалалари Aleš Završnik, Nguyen Phuong Thao, Ligeti K., Risa Ista Sitepu, Nuchraha Alhuda Hasnda, Herbert L. Packer, Siregar Muhammad Yusuf, Zainal Abidin Pakrahan, Lutfia Vivi, Wang, Nu., Wijaya Firman томонидан илмий тадқиқ этилган бўлиб, улар асосан судга қадар иш юритувида детективлар, терговчи фаолияти самарадорлигини ошириш, тергов идораларининг ҳуқуқий-процессуал мақомини такомиллаштириш, терговчиларнинг малака стандартлари ва мустақиллик индикаторлари, қийноқларни олдини олиш механизмларида тергов мустақиллиги, тергов органларининг институционал мустақиллиги, шунингдек терговда сиёсий ва маъмурий таъсирни бартараф этиш масалаларини тадқиқ этганлар.

¹ Бу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Шу билан бирга терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришнинг назарий ва амалий жиҳатларига оид муайян жиҳатларни диссертация тадқиқоти даражасида ўрганган олимлардан Д.М.Миразов дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатларини, С.А.Табаков ички ишлар органларининг суриштирувчилари ва терговчиларининг фаолияти, А.Н.Огородова жиноят ишини юритишда терговчининг процессуал мустақиллиги муаммолари, Х.Ж.Эргашев Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг материаллари асосида терговчининг процессуал мақоми ва уни такомиллаштириш йўллари, С.А.Муҳаммадиев суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида жиноят ишларини юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштириш масалаларини тадқиқ қилишган.

Юқорида келтирилган илмий тадқиқот ишларида асосан жиноят процессида тергов устидан назорат, тергов бўлинмаларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, тергов жараёнини рақамлаштириш масалалари юзасидан изланишлар олиб борилган бўлиб, жиноят процессида терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришнинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари комплекс равишда тадқиқ этилмаган ва бу борада алоҳида монографик изланишлар олиб борилмаган. Айти пайтда, республикада суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг давом эттирилаётганлиги, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари мунтазам мустаҳкамланиб бораётганлиги муносабати билан муаммонинг долзарблиги янада ортади ва у дастлабки терговга жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласига бевосита дахлдор бўлганлиги боис чуқур ва мустақил тадқиқот ўтказишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг “Терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган (2023-2026).

Тадқиқотнинг мақсади терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят-процессуал муносабатлар тизимида терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатлари тушунчаси, моҳияти ва уни кенгайтиришнинг ижтимоий заруриятини таҳлил қилиш;

терговчи ва унинг процессуал мустақиллиги ва кафолатларининг тарихий шаклланиши ва ривожланишини тадқиқ этиш;

терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларининг процессуал-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларининг замонавий ҳолатини ўрганиш;

жиноят ишларини тергов қилишда терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришнинг хусусиятларини тадқиқ этиш;

терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришнинг самарадорлигини ошириш масалаларини тадқиқ этиш;

жиноят ишларини тергов қилишда терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларининг хорижий тажрибасини тадқиқ этиш;

терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларининг кенгайтиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектини жиноят-процессуал қоидалар тизимида терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқот предметини терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш билан боғлиқ тергов органларининг фаолияти, жиноят ишлари, айрим хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида илмий билишнинг умумий (мантикийлик, дедукция, индукция, таҳлил, қиёслаш, моделлаштириш, таҳлил, анализ, синтез, умумлаштириш, кузатиш), хусусий (таркибий-функциявий, функциявий, статистик, психологик, тарихий) ва махсус-соҳавий (қиёсий-ҳуқуқий, жиноят ишларининг таҳлили, социологик сўров, интервью) каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши жиноят процессида терговчининг ҳуқуқий мақоми белгиланишига хизмат қилиши асослаб берилган;

айрим процесс иштирокчиларини мамлакат ҳудудидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш ҳақида илтимоснома қўзғатиш ваколатини терговчига берилиши, тергов самарадорлиги ошиши ҳамда терговчининг процессуал мустақиллиги таъминланишига хизмат қилиши асослантирилган;

алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ҳамда алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масаласини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан амалга оширилиши, унинг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришга хизмат қилиши асослантирилган;

терговчиларни лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимдан озод этиш масаласини тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари томонидан ҳал этилиши терговчининг процессуал дахлсизлиги таъминланишига хизмат қилиши асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларининг мақсади ва вазифалари ёритилган ҳамда терговчининг процессуал мустақиллигининг ҳуқуқий асослари тадқиқ этилиб, уни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар асослантирилган;

терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришни назарда тутган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

тадқиқот ишининг назарий қисмида “терговчи”, “терговчининг процессуал мустақиллиги” ва “терговчининг процессуал мустақиллиги кафолати” тушунчаларига муаллифлик илмий-назарий таърифлари шакллантирилган;

жиноят ишларини тергов қилишда терговчининг процессуал мустақиллигини кафолатлаш ва такомиллаштириш мақсадида ҳар бир тергов ҳаракати, қарор қабул қилиш ва бошқа процессуал ҳаракатларни электрон шакллантиришни, автоматик тарзда вақт, имзо ва муҳр билан сақланишни назарда тутган “E-investigation” рақамлаштирилган электрон ахборот тизимини жорий этиш зарурати асосланган ҳамда унинг концепцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот ишида фойдаланилган метод, илмий-назарий ёндашув, статистика ва суд амалиётидан мисоллар расмий манбалардан олинганлигини, белгиланган талабларга қўра ҳавола қилингани, ижтимоий сўров (264 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида) асосида назарий хулоса ва таклифлар тайёрлангани, диссертация дастлабки натижалари амалиётга жорий қилингани ва ваколатли давлат идоралари томонидан тасдиқлангани, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, натижалари етакчи миллий, хорижий нашрларда эълон қилинганлиги тадқиқот хулосаларининг ишончилигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолият, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек “Жиноят-процессуал ҳуқуқи”, “Терговга қадар текширув”, “Суриштирув” ва “Тергов фаолияти” фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш жиноят-процессуал қонунда терговчининг процессуал мустақиллигини кафолатловчи нормаларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ мавзуларда янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти ундаги таклиф, тавсия ва хулосаларидан жиноят-процессуал қонунчилигининг жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида ўтказилишида, қонунийликка риоя этилишини таъминлашга оид нормаларини такомиллаштириш ҳамда қонунни қўллаш амалиётини ривожлантириш, шунингдек, жиноят ишларини тергов қилиш методикасини такомиллаштиришга оид қонун ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар куйидагиларда фойдаланилган:

терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши жиноят процессида терговчининг ҳуқуқий мақоми белгиланишига хизмат қилиши тўғрисидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси

Жиноят-процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг 35-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 18 февралдаги 27/2-31-25-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг инобатга олиниши жиноят процессида “терговчи” мансабдор шахсига ҳуқуқий жиҳатдан таъриф берилишига ва шу орқали терговчининг процессуал мустақиллигини ҳуқуқий эътироф этилишига ҳамда кафолатланишига хизмат қилган;

айрим процесс иштирокчиларини мамлакат ҳудудидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш ҳақида илтимоснома кўзғатиш ваколатини терговчига берилиши, тергов самарадорлиги ошиши ҳамда терговчининг процессуал мустақиллиги таъминланишига хизмат қилиши тўғрисидаги таклифидан 2025 йил 15 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процессида мажбурлов чоралари институти такомиллаштирилаётганлиги муносабати билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1081-сон Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини “Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш” номли 28²-боб билан тўлдиришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг коррупцияга қарши курашиш ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2025 йил 26 декабрдаги 04/5-08/5169-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг инобатга олиниши терговчининг судга қадар иш юритуви босқичида гумон қилинувчига ёки айбланувчининг дастлабки терговдан узрли сабабларсиз бўйин товлашини олдини олишга, шу аснода терговнинг тўла ва ҳар томонлама амалга ошиши ҳамда терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини такомиллашувига хизмат қилган;

алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ҳамда алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масаласини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан амалга оширилиши, унинг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришга хизмат қилиши бўйича таклифидан 2024 йил 19 февралдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-909-сонли Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги 257-П-сонли Қонунининг 12-моддасини 6-қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг коррупцияга қарши курашиш ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2025 йил 26 декабрдаги 04/5-08/5169-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришда уларнинг дахлсизлигини таъминлаш борасида объектив ёндашув шаклланишига, шунингдек жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида ва ундан ташқари ҳолларда терговчининг асоссиз лавозимдан озод қилинмаслиги кафолатини ҳуқуқий таъминланишига хизмат қилган;

терговчиларни лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимдан озод этиш масаласини тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари

томонидан ҳал этилиши терговчининг процессуал дахлсизлиги таъминланишига хизмат қилиши борасидаги таклифидан 2023 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида” Қонуннинг 1-моддаси 4-банди саккизинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг коррупцияга қарши курашиш ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2025 йил 26 декабрдаги 04/5-08/5169-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг инобатга олиниши терговчининг фаолияти дахлсизлигини ҳуқуқий равишда қайд этилишига ва шу орқали унинг процессуал мустақиллиги ва кафолатларининг такомиллашувига ҳуқуқий асос яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та (3 та халқаро, 10 та республика) илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 5 та илмий мақола, шундан 3 та миллий ва 2 та халқаро журналларда, конференцияларда 13 та, шундан 3 та хорижий, 10 та миллий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, 8 параграфдан иборат учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишининг **“Терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини назарий-ҳуқуқий асослари”** номли биринчи бобида жиноят-процессуал муносабатлар тизимида терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатлари тушунчаси, моҳияти ва ижтимоий зарурияти, терговчи процессуал мустақиллигини тарихий шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек мавзунинг процессуал-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Диссертант мазкур бобда терговчининг ҳуқуқий мақоми амалдаги жиноят процессида норматив равишда қайд этилмаганлиги, унинг процессуал мустақиллиги борасидаги таҳлилларни нотўлиқ бўлишини билдириб, “терговчи” сўзини луғавий, энциклопедик ва ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этган. Шу билан бирга тадқиқотчи терговчининг процесснинг айблов функциясини амалга оширувчи энг муҳим субъект эканлиги борасидаги таърифни норматив равишда қайд этиш

заруратини билдириб, бу борада хорижий ҳамда миллий олимларнинг хулосалари, хорижий давлатларнинг жиноят процессуал қонунчилиги ва ижтимоий сўров натижаларидан келиб чиқиб, ЖПКнинг 35-моддаси биринчи қисмини қуйидагича белгилашни таклиф этган:

“Терговчи ўз ваколати доирасида жиноят иши бўйича дастлабки терговни олиб боришга ваколатли бўлган мансабдор шахс.”

Шунингдек, диссертант “терговчи” процессуал мансабдор шахсининг назарий таҳлилини амалга ошириб, унинг бир қанча процессуал хусусиятларини ажратиб кўрсатади. Шу билан бирга тадқиқотчи мазкур бобда, “процессуал мустақиллик” ва қатор бошқа муҳим тушунчалар борасида олимларнинг хулосалари ва қатор процессуал нормаларни таҳлил қилиб, уларга муаллифлик таърифларини таклиф қилган. Хусусан, “Терговчи”, “Терговчининг процессуал мустақиллиги”, “Терговчининг процессуал мустақиллиги кафолати” каби тушунчаларга муаллифлик таърифларини ишлаб чиққан.

Диссертант, терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришнинг ижтимоий заруратини ёритар экан, тергов идораларида фаолият юритаётган терговчи ва суриштирувчиларнинг иш стажлари бўйича статистика маълумотларни таҳлил қилган. Рақамлар таҳлиliga кўра, бугунги кунда ушбу лавозимда хизмат олиб бораётган ходимларнинг аксарияти (53 фоизи) 1 йилдан 3 йилгача стажи бўлган ходимлар эканлигини келтириб ўтади. Бундан ташқари ўз хоҳишига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сафидан хизматдан бўшаётган ходимлар ва улар орасида айнан суриштирувчи, терговчилар улуши ортиши тенденцияси кузатилаётганлиги, ИИБ ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмаларида оптимизациядан сўнг ҳам кадрлар етишмовчилиги қайд этилаётганлиги мавзунинг долзарб аҳамиятга эга эканлигини асослайди.

Шу билан бирга, диссертант мавзуни ижтимоий долзарб эканлигини, бир қанча статистик маълумотлар таҳлили ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан асослашга ҳаракат қилган. Хусусан, процессуал мустақилликка дахл қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари сифатида одил судловга қарши жиноятларнинг 2021-2025 йил статистикасида ўсиш тенденцияси кузатилаётганлиги, одил судлов соҳасида жавобгарликка тортилган шахслар орасида оқлов даражаси юқори эканлигига эътибор қаратади. Шунингдек айнан процессуал дахлсизлик кафолати ҳисобланган ЖКнинг 236-моддаси бўйича 2021-2025 йилларда жами 17 та жиноят кўриб чиқилиб, уларда жами 27 нафар шахсларга нисбатан айблов ҳукми эълон қилинган бўлиб, одил судловга қарши жиноятлар орасида улуши 0,1-0,3 фоизини ташкил этмоқда. Алоҳида таъкидлаш лозимки, таҳлил этилаётган даврда жавобгарликка тортилган шахсларнинг 10 нафарига нисбатан айблов ҳукми эълон қилинган ҳолос қолган барча ҳолларда (13 нафар) оқлов эълон қилинган.

Муаллиф, статистик рақамлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили асосида мавзунинг ижтимоий заруриятини қуйидагиларда намоён бўлмоқда, деб ҳисоблайди:

– “процессуал мустақиллик”нинг ижтимоий фойдали эканлиги ёки зарарларини илмий жиҳатдан асослаб бериш лозимлиги;

– тергов устидан идоравий ва прокурор назоратининг аниқ чегараларини илмий асосда қайд этиш, амалиётда вужудга келаётган “назорат” ниқоби остидаги

янги ноқонуний, нопроцессуал ҳаракатларни чеклашнинг процессуал қоидаларини ишлаб чиқиш лозимлиги;

– терговчи ва унинг процессуал мустақиллигига дахл қилиши мумкин бўлган факторларни таснифлаш, хусусан уларни ички ва ташқи аралашув каби турларга бўлган ҳолда, ҳар бири учун мустаҳкам моддий ва процессуал қонун ҳужжатлари билан тақиқ қўйиш учун тегишли норматив таклифлар ишлаб чиқиш лозимлиги;

– тергов ишларига аралашиб сингари ижтимоий хавфли қилмишнинг анъанавий, бироқ ҳуқуқий қайд этилмаган ўз-ўзига жароҳат етказиш ёки қўрқитиш, пўписа қилиш каби турларини жиноий-ҳуқуқий равишда тақиқлаш зарурати;

– тергов ваколоти берилган янги орган ҳисобланувчи Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда департамент)нинг тергов фаолиятида вужудга келаётган процессуал мустақиллик билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш зарурати ва бошқа кўплаб асосларни санаб ўтган.

Диссертант мазкур бобда, терговчи, унинг процессуал мустақиллигининг ҳуқуқий шаклланиш тарихини тадқиқ этиб, мазкур жараёнларда дебочаси 1864 йил 20 ноябрдаги “Суд ишларини юритишнинг Низоми (Устав уголовного судопроизводства)”нинг “Дастлабки тергов ҳақида” номли иккинчи бўлимида ўзининг аксини топган, деган хулосага келган. Шунингдек, 1917 йилнинг октябрь воқеалари сўнг сиёсий тизим, жиноят ишларини юритишнинг дастлабки тергов шаклини амалга оширилишига катта таъсир ўтказган. Муаллиф, РСФСРнинг 1922 йил 25 майда қабул қилинган ЖПКсида, 1923 йил 15 февралда РСФСРнинг янги ЖПКда терговга тегишлилик қайдаси пайдо бўлганлиги, 1926 йил 16 июнда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг биринчи ЖПКси 125-моддасида терговчилар прокурор назоратида фаолият юритиши белгиланганлиги ва бошқа кўплаб манбалар асосида бугунги кунга қадар шаклланган тергов фаолияти ривожланишини тарихий тадқиқ этган.

Шахсни гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилишда ва у билан муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишда белгиланган процессуал тартиб-тамоийилларга ва қонунийликка қатъий риоя этилишини тақозо этади. Шу сабабли ҳам бу босқичда процессуал мустақиллик ва идоравий-процессуал назорати ўзаро норматив равишда тўқнаш (коллизия) келади. Чунончи, ЖПКнинг 36-моддасида терговчининг мутлақ ваколоти сирасига шахсни ишда гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш назарда тутилган бўлса-да, кодекснинг 37-моддаси 2-қисмида бу ваколатни тергов органи раҳбари билан келишиш мажбуриятини юкламоқда.

Диссертант мазкур ҳуқуқий қарама-қаршилиқни бартараф этиш мақсадида ЖПКнинг 37-моддаси иккинчи қисмидаги “шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш,” жумлаларини чиқариб ташлаш лозим, деган хулосага келган.

Тадқиқот ишининг **“Терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларининг амалиёти таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларининг замонавий ҳолати ва

жиноят ишларини тергов қилишда терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришнинг хусусиятлари тадқиқ этган.

Муаллиф, мазкур бобда миллий ва хорижий олимларнинг хулосалари, сўровнома натижалари, хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда терговчининг процессуал мустақиллигини принцип даражасида мустаҳкамлаш лозимлиги тўғрисида хулосага келган ҳамда ЖПКга янги “Терговчининг процессуал мустақиллиги” деб номланган 14¹-модда киритишни таклиф этган. Тадқиқотчи, шунингдек терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий асосларини келтириб, БМТнинг Minnesota протоколи (2016), Istanbul протоколи (2022), UNODC қўлланмалари ва прокурорлар роли тўғрисидаги қоидаларга асосланиб, миллий қонунчиликка мазкур стандартларни норматив тарзда босқичма-босқич киритиш лозим, деган хулосага келган.

Муаллиф, терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатлари бир қанча мустақил қонун ҳужжатлари билан тарқоқ ҳолда тартибга солинганлиги, хусусан, ИИВ хузуридаги Тергов департаменти терговчиларининг дахлсизлиги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 34¹-моддасида мустаҳкамланган бўлса, ДХХ терговчилари дахлсизлиги умумий тарзда “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуни 37-моддасида, прокуратура терговчилари учун эса “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 49-моддаси кафолатлаши белгиланган.

Мазкур нормаларда терговчиларга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш масаласи вилоят прокурори ёки унга тенглаштирилган прокурорлар томонидан, айрим терговчилар учун фақатгина Бош прокурор томонидан жиноят ишлари қўзғатиши ва уларни лавозимдан озод қилиш ҳамда лавозимга тайинлаш масалаларига ваколатли эканлиги белгилаб қўйилган. Бироқ мазкур дахлсизлик амалиёт нуқтаи назаридан етарли эмаслиги, буни ўтказилган сўровномалар, олимларнинг хулосалари ва мазкур мансабдор шахсларга нисбатан қўзғатилган ва тугатилган жиноят ишлари таҳлиллари асослаётганлиги келтирилади. Шу боис, диссертант терговчининг процессуал мустақиллигини ва кафолатларини кенгайтириш мақсадида ЖПКнинг 223-моддасида иммунитетга эга мансабдор шахслар рўйхатига суриштирувчи ва терговчиларни ҳам қайд этиш таклифини илгари сурган.

Шу билан бирга, диссертант тергов ваколати берилган органлар рўйхатига нисбатан кечроқ кирган Департамент тергов фаолиятини тадқиқ этиб, нисбатан ёш бўлган мазкур ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг қатор муаммоларини илмий жиҳатдан асослаб берган. Жумладан, мазкур органининг терговга тегишлилик билан боғлиқ қоидаси ЖПКнинг 345-моддасида акс этганлиги, бироқ терговга тааллуқлилиқ билан боғлиқ масалалар очик қолганлигини келтириб ўтади. Бунда, муаллиф терговга тегишлилик ва терговга тааллуқлилиқ масаласига аниқлик киритиш лозимлиги боис, мазкур тушунчаларнинг тарихи, хусусан уларнинг шаклланиш рус тилига бориб тақалиши, яъни «подследственность» ва «подведомственность» тушунчалари ўзаро фарқланиши борасидаги қарашларни тадқиқ қилиб, “*Жиноят ишларининг терговга тегишлилиги*” ва “*Жиноят*

ишларининг терговга тааллуқлилиги” жумлаларига муаллифлик таърифларини ишлаб чиққан.

Диссертант, бугунги кунда департамент фаолиятида кўплаб идоравий масалалар вужудга келаётгани, улардан терговнинг тааллуқлилигини ҳуқуқий белгилаш, терговни ташкил этиш, терговчиларнинг процессуал мустақиллиги кафолатлари, дахлсизлиги, ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазаланиши, рағбатлантирилиши ва интизомий жавобгарлиги, хизмат текшируви асослари ва ўтказиш тартиби ва бошқа юзлаб масалаларни тартибга солиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруғи (идоравий буйруқ) асосида тасдиқланувчи низом қабул қилиниши зарур, деган хулосага келган.

Муаллиф, шунингдек департамент тергов бўлинмалари фаолиятидаги қуйидаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш лозим, деб ҳисоблайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 январдаги “Яширин иқтисодиётига қарши курашиш соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида давлат сиёсатини ижро этувчи муҳим орган сифатида департамент қайд этилган бўлиб, муқаддам 20 га яқин тарқоқ ҳолда ушбу фаолият билан шуғулланган органларнинг ўрнини эгаллаши белгилаб берилган. Муаллиф, фармонда Департамент бошлиғи, эндиликда Бош прокурор ўринбосари ҳисобланиши қоида тариқасида белгилангани, бироқ вилоят миқёсида ҳам департамент раҳбари вилоят прокурори ўринбосари сифатида белгиланмас экан, унинг прокурор сифатида процессуал назорати тўлақонли ва мустақил бўлмаслиги, бу эса ўз навбатида жиноят ишлари бўйича қўшимча назоратнинг кўпайишига, ҳатто терговнинг процессуал фаолиятига дахл қилиш каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, деган хулосага келган.

Шу боис, юқоридаги номи келтирилган фармон мазмунига **шунингдек Департаментнинг ҳудудий вилоят бошлиқлари бир вақтнинг ўзида вилоят прокурори ўринбосари ҳисобланиши**” мазмунидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳамда “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таклиф этган.

Бундан ташқари, Департамент ваколатига берилган иқтисодий турдаги жиноятларни мансабдор шахслар томонидан содир этилганида, уларнинг тегишлилиги билан боғлиқ қоидалар савол остида қолади. Бу борада диссертант, бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатларни таҳлил қилиб, ЖПКнинг 345-моддасида назарда тутилган департамент терговига тегишли бўлган жиноятлар ким томонидан содир этилишидан қатъий назар Департамент томонидан тергов қилиниши лозим, деган хулосага келган.

Тадқиқот ишининг **“Терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини такомиллаштириш йўллари”** деб номланган учинчи бобида терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларини кенгайтиришнинг самарадорлигини ошириш масалалари, мавзу юзасидан хорижий тажриба ва терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларининг кенгайтиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантириш истиқболлари тадқиқ этилган.

Муаллиф, мазкур бобда терговчининг процессуал мустақиллигини кафолатлашга хизмат қилувчи амалиётнинг бир қанчасини ҳуқуқий кафолатлашни

таклиф этган бўлиб, улардан бири сифатида бугунги кунда терговчини процессуал қарорини узрсиз сабабларга кўра бажармаслик бўйича жавобгарлик белгиланмаганлигини келтириб ўтади. Бир неча хорижий мамлакатларда жавобгарлик назарда тутилган мамлакатларни қонунчилиги таҳлили ва сўровномалар натижалари, шунингдек бир қанча олимларнинг хулосалари асосида шундай қилмиш учун жавобгарликни маъмурий преюдиция тартибида белгилаш лозим, деган хулосага келган.

Шунингдек, муаллиф бугунги кунда терговчиларнинг қабул қилган қарорларини бекор қилиш тенденциясига эътибор қаратиб, биргина прокуратура идоралари терговчилари томонидан қабул қилинган жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорларининг 2021 йилда 319 таси, 2022 йилда 367 та, 2023 йилда 248 та, 2024 йилда 250 та, 2025 йилда 131 та қарорлари бекор бўлганлигини процессуал мустақилликка салбий таъсир этувчи омил сифатида баҳолайди. Шу боис, диссертант илғор хориж тажрибаларини таҳлил қилган ҳолда, амалдаги ЖПКга терговчиларнинг қарорларини бекор қилиш устидан судларга мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатловчи бир неча нормалар билан мустаҳкамлашни таклиф этган.

Муаллиф, мазкур бобда илғор хориж мамлакатларининг тажрибаларини тадқиқ этиб, жинойт таъқибнинг асосий назоратчиси прокуратура идоралари эканлиги, прокурор ёрдамчиси лавозимидаги мансабдорларга процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколати берилганлиги, полиция ходими эса кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор мажбуриятларга эгалиги (*Германия Федератив Республикаси*), терговчиларнинг суд назорати остида процессуал кафолатлари таъминланиши (*des juridictions de jugement*), полиция (жандармерия), миллий ва муниципал полицияси қўзғатилган жиноят ишлари бўйича суд терговчисига бўйсунуши (Франция), Тергов қўмитаси ташкил этилганлиги, унинг барча органлар ва идоралардан мустақил равишда фаолият олиб бориши, терговчини рад этиш билан боғлиқ ҳолатларни мустақил ҳал этиш (Россия Федерацияси, АҚШ, Ҳиндистон, Сербия) каби мамлакатимиз жинойт процессуал қонунчилигида назарда тутилмаган тажрибалар мавжудлигини баён этган.

Шунингдек, муаллиф ушбу бобда терговчиларнинг жинойт ишларини тергов қилиш жараёнида уларнинг фаолиятини самарадорлигини пасайтирувчи ҳамда процессуал мустақиллигини чекловчи қуйидаги бир қанча омиллар мавжудлиги аниқлаган. Жумладан,

– жинойт ишларини тергов қилиш, терговни назорат қилиш, терговни ташкил этиш, тайёргарлик, тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнлари ва бошқа барча фаолиятни тўлиқ рақамлашмаганлиги;

– жинойт ишларини судга қадар юритиш босқичидан то суд жараёни ва ундан кейинги босқичгача жорий этилган рақамлашиш билан боғлиқ масалалар (Электрон-жинойт ҳуқуқий статистика, электрон суриштирув ва дастлабки тергов ва яна бошқа базалар имкониятлари)ини процессуал ҳуқуқий асослар билан таъминланмаганлиги;

– жинойт ишларини тергов қилиш фаолиятига илғор рақамли технологиялар, хусусан сунъий интеллект ва бошқа рақамли алгоритмлар билан ишлайдиган дастурий таъминотлар жорий этилмаганлиги;

– терговчиларнинг хоналари тўлиқ камералаштирилмаганлиги, терговчиларнинг фаолияти ички шаффофлигини таъминлаш мақсадида камералар тегишли раҳбарлар хабардор бўлиш имкониятини берувчи махсус штабларга интеграция қилинмаганлиги;

– жинойт ишларини юритуви электронлашмаганлиги, бунинг учун маълумотларни электрон сақлаш имкониятини берувчи серверлар орқали ташкил этилган ягона базанинг мавжуд эмаслиги;

– электрон жинойт ишини юритишини имкониятини берувчи ҳуқуқий асослар амалдаги ЖПКга киритилмаганлиги;

– ҳар бир тергов ҳаракати, қарор қабул қилиш ва бошқа процессуал ҳаракатларни электрон юритишни шакллантиришни, бунда автоматик тарзда вақт, имзо ва муҳр билан сақланишни назарда тутган рақамлаштирилган электрон тергов тизимини жорий этишга зарурат мавжудлиги, бунинг афзаллик томони, қоғоз шаклидаги жинойт ишлари йўқотилган тақдирда ҳам уларни тиклаш имконияти доим сақланиб қолиш ва бошқалар;

– сўроқ қилиш, юзлаштириш, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш ва бошқа тергов ҳаракатларини онлайн равишда тўғридан-тўғри сўзларни матн шаклига келтирувчи дастурий таъминот ёки бошқа илғор техник имкониятлардан фойдаланилмаслиги натижасида жинойт ишларининг тергов қилиш муддатлари кечикаётганлиги;

– юқоридаги техник имкониятлардан самарали фойдаланиш учун билим ва кўникамага эга бўлган замонавий терговчиларнинг жуда камлиги, фаолият юритаётганларининг мазкур соҳада билим савиясининг пастлиги;

– жинойт ишлари тергов қилиш бўйича тергов идораларини ягона ҳисобот 1-Я шаклида назарда тутилган мезонларни маънан эскирганлиги ва ўзгармаганлиги, уларни ишлаб чиқишда тергов ишларини самарадорлигини оширишга имкон берадиган маълумотларни тўплаш ёки муаммоларни аниқлаш билан боғлиқ янги критерияларни жорий этиш зарурати;

– бугунги кундаги ҳисоботларнинг сўрови натижасида терговчиларга эҳтиёт чорасини қўллаш, мол-мулкни хатлаш, етказилган зарарни пул кўринишида депозитга қўйдириш, тергов йўли билан жинойтларни фош этиш, тарғибот ва бошқа маънавий тадбирларда иштирок этиш кўрсаткичлари танқид қилиниши ва яна бошқа кўплаб сабабларга кўра терговчиларнинг жинойт ишларини тергов қилишда самарадорликка эришиш даражаси паст ҳисобланади.

Юқоридаги факторлар терговчиларнинг фаолиятига у ёки бу тарзда салбий таъсир этмоқда. Буни жинойт ишларини мазмунан кўриб чиқаётган судларнинг терговчилар устидан чиқарган хусусий ажримлари сони ҳаддан ташқари кўплиги ва борган сари уларнинг сони ортиб бораётганлиги ҳам асослайди. Жумладан, ЖИБ судлари томонидан биргина дастлабки тергов ўтказишда йўл қўйилган камчиликлар юзасидан 2021 йилда 1 351 та хусусий ажримлар чиқарилган бўлса, 2022 йилда 2 516 та, 2023 йилда 2 275 та, 2024 йилда 2 484 та, 2025 йилнинг 9 оyi мобайнида эса 2 044 та хусусий ажримлар тегишли тергов идораларига юборилган.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун муаллиф, бир неча ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиққан.

Шунингдек, диссертант терговчининг процессуал мустақиллигини ҳуқуқий ҳимояси сифатида намоён бўлувчи ЖКнинг 236-моддасини ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиб, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиб жиноятининг биринчи қисми мазмунида “Қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш” жумласи юридик таҳлил қилиш лозим бўлган ва табиатига кўра дискрецион ваколатни назарда тутувчи жумла эканлигини муаммо сифатида келтириб ўтади. Хусусан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида терговчиларнинг энг кўп дуч келаётган муаммолари сирасига жиноятчининг жавобгарликдан қутулиш мақсадида ўз-ўзига тан жароҳати етказиш ҳолати, бугунги кунда ЖКнинг 236-моддаси билан ҳуқуқий баҳоланаётганлиги, бироқ модданинг мазмуни ҳолат бўйича терговга қадар текширув вақтида айни шундай ҳаракатлар содир этилиши қамраб олмаганлиги, ваҳоланки мазкур босқич ишни терговга ўтказишдек энг муҳим даврни ўз ичига олиши билан аҳамиятли эканлиги каби ҳолатларни назарда тутганлиги боис, ЖКнинг

236-моддасини янги таҳрирда баён этишни таклиф этган.

Диссертантнинг фикрича, жиноят ишлари бўйича айбловни амалга оширадиган органларнинг ва уларнинг ваколатлари тубдан ислоҳ қилинган, деб бўлмаслиги, бугунги кунда жиноят ишлари бўйича айблов функциясини амалга оширувчи органлар тизимида бир қатор концептуал ўзгартиришлар амалга оширишга эҳтиёж мавжудлиги, процессуал нуқтаи назаридан айблов функциясини амалга оширувчи органлар ажратилмаган, уларнинг фаолиятида параллелизм, бир-бирини қайтариш, қайта-қайта ва такрорий равишда бир мазмунга эга бўлган ҳаракатларни амалга ошириш каби ҳолатлар мавжудлиги, тўрт органга бўлинган терговнинг шаклан битта, мазмунан турли бўлган ҳолати муаммонинг ечилишига олиб келмаслигини таъкидлайди. Муаллиф, бу муаммони бартараф этиш мақсадида ягона тергов органи ташкил этилиши ва у тергов қўмитаси шаклида алоҳида давлат органи сифатида Президент ҳузурида фаолият юритиши лозимлиги тўғрисидаги таклифларни илгари суради.

ХУЛОСА

Терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларининг кенгайтиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштиришга доир тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Терговчининг процессуал мустақиллиги ва кафолатларининг кенгайтиришга оид назарий хулосалар:

1. *Терговчи* – жиноят процессининг мустақил субъекти бўлиб, давлат номидан жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни амалга ошириш, ишни судга қадар юритишда дастлабки тергов шаклида юритилаётган жиноят иши бўйича тергов гуруҳига раҳбарлик қилиш, процессуал қарорлар қабул қилиш ва ишни судга тайёрлашга доир ваколатлар билан таъминланган мансабдор шахсдир.

2. *Терговчининг процессуал мустақиллиги* – жиноят процессининг мустақил субъекти сифатида терговчининг жиноят иши юзасидан фақат

қонунлар, ички ишончи ва ҳуқуқий онгга таяниб, ташиқи ва ички ноқонуний таъсир ёки босимдан ҳимояланган ҳолда процессуал қарорлар қабул қилиши ҳуқуқи ва мажбуриятини ифодаловчи, қонун устуворлиги, прокурор ва суд назоратининг чегараланганлиги ҳамда аралашувдан ҳимоя қафолатлари билан таъминланган ҳуқуқий институтдир.

3. Терговчининг процессуал мустақиллиги қафолати – бу терговчининг жиноят иши юзасидан тергов ва процессуал ҳаракатларини ўтказиши, иши бўйича қарорлар қабул қилишида қонун, ички ишонч ва ҳуқуқий онгга таянадиган ҳолда фаолият юритишида, унинг ҳуқуқий мақоми, ташкилий ваколатлари, суд ва прокурор назоратининг қонуний чегаралари, шунингдек давлат томонидан бериладиган ҳуқуқий, институционал ва моддий-ташкилий воситалар мажмуидир.

4. Жиноят ишларининг терговга тегишлилиги – жиноятнинг хусусияти, содир этилган жойи, шунингдек, жиноят субъектига қараб, дастлабки тергов ёки суриштирувни олиб боровчи органлар ўртасидаги ваколатларнинг тақсимланишидир. Кенг маънода, бу жиноят-процессуал ҳуқуқнинг бир институти бўлиб, у муайян жиноят ишини қайси орган ёки мансабдор шахс тергов қилишга ваколатли эканлигини белгилайди. Терговга тегишлилик: предметли (турга оид) – жиноят турлари бўйича; ҳудудийлик – жиноят содир этилган жой ёки гумондор, айбланувчи, гувоҳлар жойлашган манзил бўйича; шахсий – жиноят субъекти (масалан, ҳарбийлар, вояга етмаганлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари) бўйича белгиланади.

5. Жиноят ишларининг терговга тааллуқлилиги – бу жиноят ишини ички тергов тизимида қайси даражадаги орган (туман/шаҳар, вилоят, марказий аппарат) тергов қилиши лозимлигини белгилайдиган, ЖПКда тартибга солинмаган, амалда эса идоравий норматив ҳужжатлар (йўриқномалар буйруқлар, низомлар) орқали аниқланадиган ташкилий-процессуал институтдир.

II. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

